

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

САПАРОВ САНЖАРБЕК ЮСУПБОВЕВИЧ

**ҚАТТИҚ ФАЗАДА КАРБОКСИМЕТИЛКРАХМАЛНИНГ НАТРИЙЛИ
ТУЗИ СИНТЕЗИ ВА УНИНГ ФИЗИК-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ**

**02.00.06 – Юқори молекуляр бирикмалар
02.00.04 – Физик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

УЎТ 541.64:664.25:664.286

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
chemical sciences**

Сапаров Санжарбек Юсупбоевич

Қаттиқ фазада карбоксиметилкрахмалнинг натрийли тузи синтези
ва унинг физик-кимёвий хоссалари 3

Сапаров Санжарбек Юсупбоевич

Синтез натриевой соли карбоксиметилкрахмала в твердой фазе и его
физико-химические свойства 21

Saparov Sanjarbek

Synthesis of sodium salt of carboxymethyl starch in the solid phase and its
physico-chemical properties..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

САПАРОВ САНЖАРБЕК ЮСУПБОЕВИЧ

**ҚАТТИҚ ФАЗАДА КАРБОКСИМЕТИЛКРАХМАЛНИНГ НАТРИЙЛИ
ТУЗИ СИНТЕЗИ ВА УНИНГ ФИЗИК-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ**

**02.00.06 – Юқори молекуляр бирикмалар
02.00.04 – Физик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда табиий полимерлар асосида халқ хўжалиги, саноат, истеъмол ва бошқа соҳалар учун маҳсулот ва материаллар олишга эътибор катта. Чунки табиий полимерларнинг инсон саломатлиги ва атроф-муҳитга зарарли таъсири кам бўлиб, улар вақт ўтиши билан табиий шароитда безарар моддаларга парчаланadi. Ҳар йили захираси қайта тикланувчи хом ашёлардан олинadиган кўп тоннажли табиий полимерлардан бири бу крахмалдир. Ҳозирда крахмал ва унинг ҳосилалари қоғоз ва картон ишлаб чиқариш, нефть ва газ бурғулаш эритмаларини тайёрлаш, тиббиёт, фармацевтика, озиқ-овқат, тўқимачилик, полиграфия ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилмоқда.

Бугунги кунда жаҳонда табиий полимерлар асосида биопарчаланувчи материаллар олишга эътибор кучаймоқда. Крахмал таркибида реакцион қобилиятли функционал гуруҳларнинг мавжудлиги эса уни кимёвий модификациялаш орқали у асосида янги материаллар олиш учун кенг имкониятлар яратади. Крахмалдан термопластик материаллар олиш, уни оддий ва мураккаб эфирлари, пайванд сополимерлари ва бошқа ҳосилалари синтези қилиш, уларни ишлаб чиқаришни ресурстежамкор технологияларини яратиш ҳамда улар асосида безарар, биопарчаланувчи янги материаллар олиш ва амалиётга кенг жорий қилишга оид тадқиқотларга катта эътибор қаратилган.

Мамлакатимиз крахмал ажратиб олиш мумкин бўлган ўсимлик хом ашёларига бой ҳисобланади, лекин шунга қарамай ушбу полимернинг энг кенг ишлатилadиган сувда эрувчан ҳосиласи карбоксиметилкрахмалнинг натрийли тузи республикамизга импорт қилиб олиб келинмоқда. Республикамизда маҳаллий хом ашёлар асосида янги полимер материаллар яратиш ва уларни импорт қилинувчи маҳсулотлар ўрнига амалиётга жорий этиш муаммосини ечишга алоҳида эътибор қаратилиб, полимерлар асосида турли эритмалар учун стабилизаторлар, қуюқлаштирувчилар ва эмульгаторлар, гидрогеллар, пленкалар, композициялар ҳамда бошқа материаллар олишда муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш”¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада маҳаллий хом ашёлардан табиий полимерлар ажратиб олиш, уларнинг турли ҳосилаларини синтез қилиш, хоссаларини тадқиқ қилиш, фойдаланиш жабҳаларини аниқлаш ва турли соҳаларда амалиётга тадбиқ этиш катта аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги ПФ-5707-сон “Республикамизда 2019-2021 йилларда фармацевтика соҳасини жадал ривожлантиришнинг кейинги чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ва 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. “Кимё технологиялари ва нанотехнологиялари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Карбоксиметилкрахмалнинг натрийли тузи синтези ва уларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш борасидаги тадқиқотлар ҳамдўстлик давлатлари орасида А.И.Жушман, Н.Д.Лукин, Е.К.Коптелова ва С.Ю.Братская каби рус олимлари томонидан кенг миқёсида олиб борилган. Ушбу соҳада ҳозирда, айниқса, интенсив изланишлар Хитойда олиб борилаётган бўлиб, бу борада X.Zhao, D.Zhang ва B.Wang каби хитой олимлари тадқиқотларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Европада полшалик олим Т.Sprychaj крахмални модификациялаш соҳасида кенг кўламли изланишлар олиб бормоқда. Республикамизда крахмал ва унинг ҳосиласи, карбоксиметилкрахмал олиш ҳамда уларнинг хоссаларини тадқиқ қилиш борасида О.Ёриев, Г.А.Ихтиёрова, М.Амонов ва бошқаларнинг ишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Табиий полимерлар ва уларнинг ҳосилаларини тадқиқ қилишда академиклар Х.У.Усмонов, К.С.Ахмедов, С.Ш.Рашидова, М.А.Асқаров, А.С.Тураев, А.Т.Джалилов, Г.Р.Рахмонбердиев, профессорлар У.Н.Мусаев, Т.М.Бабаев, Ф.А.Магруппов, А.А.Саримсоқов, У.К.Ахмедов, Х.И.Акбаров, М.Г.Мухамедиевлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

Крахмални кимёвий модификациялаш орқали карбоксиметилкрахмалнинг натрийли тузини олишнинг турли усуллари ва технологиялари мавжуд, ҳозирда ушбу маҳсулотлар дунёда миллионлаб тоннада ишлаб чиқарилади. Лекин Ўзбекистонда карбоксиметилкрахмалнинг натрийли тузи турли соҳаларда катта миқдорда ишлатилишига қарамай ушбу полимерни ишлаб чиқариш мамлакатимизда саноат миқёсида йўлга қўйилмаган, маҳаллий жўхори навлари асосида ушбу маҳсулот олишнинг ресурстежамкор технологиялари ишлаб чиқилмаган. Ушбу полимер мамлакатимизга ҳозирда тўлиқ чет элдан импорт қилиб олиб келинади. Шунинг учун ҳам тадқиқот иши саноат аҳамиятига эга бўлган карбоксиметилкрахмалнинг натрийли тузини олиш технологияларини маҳаллийлаштириш ва янада такомиллаштиришга қаратилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти А-12-69 “Крахмалнинг сувда эрувчан ва гель ҳосил қилувчи ҳосилалари олишнинг ресурстежамкор технологияларини ишлаб чиқиш” (2015-2017 йй.) ва А-11-5 рақамли “Топинамбур ўсимлиги илдиз меваларидан инулин ва унинг ҳосилаларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш” (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий жўхори навларидан ажратиб олинган крахмални қаттиқ фазада модификациялаш орқали карбоксиметилкрахмалнинг натрийли тузини олиш ҳамда олинган маҳсулотнинг физик-кимёвий хоссаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жўхори крахмалини модификациялаш жараёнини тадқиқ қилиш орқали карбоксиметилкрахмалнинг натрийли тузини олишнинг ресурстежамкор усулини аниқлаш;

олинган маҳсулотнинг сирт ва структуравий морфологиясини, термик ва бошқа хусусиятларини тадқиқ қилиш;

карбоксиметилкрахмалнинг натрийли тузи сувли эритмаларининг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш;

олинган карбоксиметилкрахмалнинг натрийли тузидан амалиётда фойдаланиш соҳаларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти жўхори крахмали ҳамда уни карбоксиметиллаш орқали олинган карбоксиметилкрахмалнинг натрийли тузи ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети жўхори крахмалининг сувли эритмада ва қаттиқ фазада карбоксиметиллаш жараёни, ҳосил бўлган карбоксиметилкрахмалнинг натрийли тузини физик-кимёвий хоссаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Сканерловчи электрон микроскопия, ИҚ-спектроскопия, гравиметрия, рентгенофаза таҳлил, ротацион вискозиметрия, потенциометрия, термогравиметрия ва бошқа замонавий усуллар.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор маҳаллий жўхори навларидан ажратиб олинган крахмални сувли эритмаларда ва қаттиқ фазада модификация қилиш орқали карбоксиметилкрахмалнинг натрийли тузи олинган;

крахмални модификация жараёнига турли омиллар таъсири ўрганилиб, қаттиқ фазада алмашилиш даражаси юқори бўлган маҳсулот олиш шароитлари аниқланган;

қаттиқ фазада крахмални карбоксиметиллашда реакцион аралашмани оз миқдорда спиртлар билан намлаш реакцияга каталитик таъсир кўрсатиши аниқланган;

карбоксиметилкрахмалнинг натрийли тузининг морфологик, термик хоссалари, сувда эрувчанлиги унинг алмашилиш даражаси ҳамда модификациялаш усулига боғлиқ эканлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маҳаллий жўхори навларидан ажратиб олинган крахмалдан қаттиқ фазада карбоксиметилкрахмалнинг натрийли тузи олишнинг ресурстежамкор усули аниқланган;

олинган маҳсулотдан эритмаларнинг қовушқоқлигини оширувчи восита сифатида фойдаланиш мумкинлиги аниқланган;

синтез қилинган карбоксиметилкрахмалнинг натрийли туздан суспензияларни стабиллашда стабилизатор сифатида фойдаланиш мумкинлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган замонавий физик-кимёвий усуллар – ИҚ-спектрофотометрия, сканерловчи электрон микроскопия, ротацион вискозиметрия, термик анализ ҳамда моддаларни анализ қилишнинг турли кимёвий усуллари билан фойдаланилгани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий жўхори крахмали асосида олинган карбоксиметилкрахмалнинг натрийли тузининг алмашиниш даражасига ҳамда физик-кимёвий хоссаларига уни синтез қилиш усули ва турли омиллар таъсири аниқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий жўхори крахмалидан карбоксиметилкрахмалнинг натрийли тузи олишнинг ресурстежамкор усули ишлаб чиқилгани ва олинган маҳсулотларнинг бурғулаш эритмалари компонентлари ҳамда сувли суспензияларнинг стабилизаторлари сифатида амалий синовлардан ўтказилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳаллий жўхори крахмалини қаттиқ фазада кимёвий модификациялаш йўли билан карбоксиметилкрахмалнинг натрийли тузи олиш ҳамда унинг физик-кимёвий хоссалари бўйича олинган натижалар асосида:

карбоксиметилкрахмалнинг натрийли тузи ўсимликларни кимёвий химоя қилиш воситаларини суспензия концентратини тайёрлаш учун “Elektrokimyozavod” ҚК АЖ амалиётига жорий этилган (“Elektrokimyozavod” ҚК АЖ 2021 йил 3-майдаги № 92-сон маълумотномаси). Натижада суспензия концентратини тайёрлашда импорт қилинувчи кимёвий хом ашё миқдорининг қисман камайишига ва суспензия таннархини 3-5 % арзонлаштириш имконини берган;

карбоксиметилкрахмалнинг натрийли тузини бурғулаш эритмаларини тайёрлаш учун “Gissarneftgaz” ҚК амалиётига жорий этилган (“Gissarneftgaz” ҚК 2020 йил 22-октябрдаги 1703/ОКиНТ-10-сон маълумотномаси). Натижада бурғулаш эритмаларига олинган карбоксиметилкрахмалнинг натрийли тузи қўшилиши импорт қилинувчи кимёвий реагентлар миқдорини қисман камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг натижалари 7 та, жумладан, 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларига тақдим қилиниб, муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Крахмални кимёвий модификациялаш усули билан сувда эрувчан ҳосилаларини олиш ва уларнинг хоссалари”** номли биринчи бобида табиий крахмал, унинг тузилиши, хоссалари ҳамда уни кимёвий модификациялаш йўли билан турли сувда эрувчан ҳосилаларини олиш усуллари, олинган моддаларнинг ишлатилиш соҳалари ҳамда истиқболларига оид адабий маълумотлар кўриб чиқилган ва таҳлил қилинган. Ушбу бобда Na-КМК олиш усуллари, технологияси ва уларнинг бир-биридан фарқлари, унинг хоссалари ҳамда ишлатилиш соҳаларига алоҳида эътибор қаратилган. Адабий маълумотлар умумлаштирилган ва илмий-таҳлилий хулосалар чиқарилган, улар асосида диссертация ишининг мақсади, вазифалари, долзарблиги ва муҳимлиги белгилаб берилган.

Иккинчи боб **“Крахмални карбоксиметиллаш ва олинган маҳсулотларнинг хоссаларини тадқиқ қилиш услублари”** деб номланиб, унда қўлланилган моддалар ва реактивларнинг тавсифи, крахмални карбоксиметиллаш усуллари ҳамда шароитлари, олинган маҳсулотнинг морфологик, термик, гидродинамик ва бошқа хоссаларини тадқиқ қилишда қўлланилган тадқиқот услублари келтирилган.


“Жўхори крахмалини карбоксиметиллаш орқали карбоксиметилкрахмалнинг натрийли тузини олиш” номли учинчи бобда маҳаллий жўхори навларидан ажратиб олинган крахмални сувли эритмаларда ҳамда қаттиқ фазада карбоксиметиллаш орқали Na-КМК синтез қилиш ва жараёнларга турли омиллар таъсирини ўрганишга оид тадқиқотлар натижалари келтирилган. Республикада крахмал ажратиб олиш мумкин бўлган ўсимлик манбаларининг бир неча турлари мавжуд бўлиб, улардан

ажратиб олинган крахмалнинг таннархи хом ашё манбасининг тури, уларнинг захираси, ундаги крахмал миқдори ҳамда уни ажратиб олиш технологиясига боғлиқ. Техник ва иқтисодий таҳлиллар ҳозирда мамлакатимизда жўхоридан крахмал ажратиб олиш иқтисодий жиҳатдан ҳамда техник жараёнлар кўрсаткичлари бўйича энг арзон бўлишини кўрсатиб берди. Шунинг учун ҳам ишда Na-КМК синтез қилиш учун маҳаллий жўхори навларидан ажратиб олинган крахмалдан фойдаланилди. Крахмални карбоксиметиллаш сувли эритмада ва қаттиқ фазада амалга оширилиб, бунда крахмалга аввал ишқор билан ишлов берилди, сўнгра ҳосил бўлган маҳсулот монохлорсирка кислотасининг натрийли тузи билан (Na-МХСК) реакцияга киришади. Ушбу икки усул учун ҳам реакцияни қуйидаги схема билан ифодалаш мумкин:



1-расм. Na-КМК ҳосил бўлиш механизми.

Олинган маҳсулотнинг идентификацияси унинг ИҚ-спектрларини таҳлил қилиш орқали амалга оширилди (2-расм).



2-расм. Жўхори крахмали ва Na-КМК намуналарининг ИҚ-спектрлари.

2-расмдан кўриниб турибдики, табиий крахмал ва Na-КМКнинг ИҚ-спектрларида 3000-3600 cm^{-1} соҳаларда ОН гуруҳларга тегишли чўкқилар, 2800-2900 cm^{-1} соҳаларда эса С-Н гуруҳларга тегишли унча катта бўлмаган чўкқилар кузатилади. 1150 ва 1300 cm^{-1} соҳалардаги валент тебранишлар $\text{CH}_2\text{-O-CH}_2$ боғларга тегишли. Расмдан, шунингдек, крахмал ва Na-КМКнинг ИҚ-спектрлари бир-бири билан таққосланганда сезиларли фарқлар кузатилади. 1635, 1655 ва 1760 cm^{-1} соҳаларда крахмалнинг ИҚ-спектрида

мавжуд бўлмаган, лекин Na-КМКни карбоксил гуруҳларининг С=О боғи тебранишига тегишли интенсив ютилиш чўққилари кузатилади.

Na-КМКнинг идентификацияси, шунингдек, унинг СЭМ микроскопи микроанализатори ёрдамида олинган энергиядисперс рентген спектрлари асосида элемент таркибини аниқлаш орқали ҳам амалга оширилган.

Олинган маҳсулотнинг алмашилиш даражаси (АД) уч хил кимёвий усул билан амалга оширилди: тўғридан тўғри титрлаш, тескари титрлаш ва мис тузлари шаклида чўктириш. Маҳсулотнинг АДни аниқлаш усулларини бир-бирига солиштириш натижасида тўғридан-тўғри титрлаш усули ёрдамида топилган АД қийматлари тескари титрлаш ва мис тузлари шаклида чўктириш усуллари билан ҳисобланган натижалардан кичикроқ қийматларга эга эканлиги аниқланди. Тескари титрлаш ва мис тузлари шаклида чўктириш усуллари ёрдамида топилган АД эса бир-бирига жуда яқин бўлиб, ўзаро фарк 5 %дан камни ташкил қилади. Шунинг учун ҳам ишда кейинчалик синтез қилинган Na-КМК намуналарининг АДни аниқлашда тескари титрлаш усулидан фойдаланилди. Чунки бу усул Na-КМКни мис тузлари шаклида чўктириш усулига қараганда тезкорроқ усул ҳисобланади.

Амалиётда керакли маҳсулот ишлаб чиқаришнинг энг мақбул усулларини аниқлаш, яъни юқори унум билан сифатли маҳсулот олиш шароитларини аниқлаш катта аҳамият касб этади. Бу реагентлар сарфининг камайишига, энергия тежамкорлиги ва иқтисодий жиҳатдан энг арзон маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун муҳим омил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ишда реакция аралашмадаги дастлабки реагентлар нисбатини крахмалнинг сувли эритмада карбоксиметиллаш реакциясига таъсирини ўрганиш мақсадида крахмал NaOH:Na-MXCK нисбатларини ўзгартириш орқали Na-КМК синтези амалга оширилди. Бунда моддалар нисбати моль улушда олиниб, крахмалнинг моль улуши сифатида унинг бир элементар звеноси молекуляр массасидан фойдаланилди. Тадқиқотлар сувли эритмада крахмални карбоксиметиллаш учун энг оптимал ванна модули 20:1 эканлигини кўрсатди. 1-жадвалда сувли эритмада крахмални карбоксиметиллашда ҳосил бўлган Na-КМК намуналарининг АДсига дастлабки реагентлар нисбатининг таъсири келтирилган.

1-жадвал


Na-КМК алмашилиш даражасига дастлабки реагентлар нисбатининг таъсири.

Реакция давомийлиги 60 минут, ҳарорат 25 °С. Ванна модули 20:1.

№	Реагентлар моль улуши			АД
	Крахмал	NaOH	Na-MXCK	
1	1	0,25	0,25	0,16
2	1	0,5	0,5	0,38
3	1	0,75	0,75	0,54
4	1	1,0	1,0	0,65
5	1	1,25	1,25	0,74
5	1	1,5	1,5	0,82
7	1	1,75	1,75	0,71
8	1	2,0	2,0	0,62

Жадвалдаги келтирилган натижалардан кўриниб турибдики, реакция аралашмада ишқор ва Na-MXCK концентрацияси ортиши билан ҳосил бўлаётган маҳсулотнинг АДси ҳам ортиб боради, маълум бир нисбатдан сўнг эса унинг ортиб бориши деярли амалда ўзгаришсиз қолади. Бу ҳолатни реагентларнинг қўшимча реакцияларга сарф бўлиши билан тушунтириш мумкин. Тадқиқотлар натижасида Na-КМК синтези учун бошланғич реакция аралашмадаги крахмал Na-MXCK:NaOH ўзаро 1:1,5:1,5 моль улуш нисбатлари оптимал деб топилди ва кейинчалик барча реакцияларда маҳсулот олиш учун ушбу нисбатдан фойдаланилди.

Сувли эритмада Na-КМК олишнинг энг катта камчиликларидан бири бу ҳосил бўлган маҳсулотни эритмадан чўктириб олиш учун нисбатан қиммат бўлган этанол, изопропанол каби спиртларнинг кўп миқдорда сарфланиши ҳисобланади. Бундан ташқари чўктириб олинган маҳсулотни қуриштириш кўп вақт талаб қилиши ва энергия сарфига олиб келиши натижасида ушбу усул катта миқдорда Na-КМК ишлаб чиқариш учун мақбул усул эмас эканлиги аниқланди. Шунинг учун ҳам ишда Na-КМК олишнинг ресурстежамкор усулини аниқлаш мақсадида крахмални қаттиқ фазада ҳам карбоксиметиллаш жараёни тадқиқ қилинди. Ушбу усулда катта миқдорда эритувчидан фойдаланилмайди, натижада ҳосил бўлган маҳсулотнинг қуриш муаммоси ҳам бартараф этилади. Қаттиқ фазада крахмални кимёвий модификациялаш лаборатория шароитида механокимёвий усулда олиб борилди, натижалар ушбу усулнинг истиқболли эканлигини кўрсатди. Шунинг учун ҳам кейинги тадқиқотларда йирик миқдорда маҳсулот олиш мақсадида Na-КМК олиш жараёни махсус қурилма ёрдамида олиб борилди. Ушбу қурилма қарама-қарши томонга айланувчи қўш Z шаклидаги аралаштиргичлар билан жиҳозланган махсус бункер ва аралаштиргичлар ҳаракатини таъминловчи электр мотор ҳамда редуктордан ташкил топган. Қурилманинг схемаси 3-расмда келтирилган.



3-расм. Крахмални қаттиқ фазада карбоксиметиллаш қурилмаси схемаси:
1-бункер, 2-Z-шаклга эга пичоклар, 3-маҳсулотни чиқариб олиш эшикчалари, 4-роторлар, 5-электромоторлар.

Қурилмада реакция, асосан, механокимёвий реакциялар ҳисобига боришини ҳисобга олган ҳолда бошланғич реагентлар бир-бири билан яхшироқ таъсирлашиши учун унинг аралаштиргичлари ва бункер деворлари орасида тиркишлар минимал бўлиши таъминланди. Қаттиқ фазада крахмални карбоксиметиллаш хона ҳароратида (25-28°C) олиб борилди. Тадқиқот натижаларига кўра бошланғич аралашмалар қуруқ ҳолатда бўлганида уларнинг реакцияга киришиши жуда секинлик билан боради.

Реагентларни узок вақт (2 соат) курук ҳолатда аралаштирилганда ҳосил бўлган маҳсулотнинг АДси қиймати 0,24 дан ошмаслиги маълум бўлди. Шунинг учун ҳам ишда реагентлар орасида реакция боришини тезлаштириш мақсадида бошланғич аралашмага маълум миқдорда эритувчилар: сув, турли спиртлар ва сув-спирт аралашмалари қўшилди. Ушбу эритувчиларнинг асосий вазифаси реакцион аралашманинг умумий намлигини ошириш бўлгани учун ҳам улар чекланган ҳажмда қўшилиб, уларнинг миқдори курук реагентлар массасига нисбатан 10-20 %ни ташкил қилди. Эритувчиларнинг бир текисда тақсимланиши учун улар аралашмага махсус қурилма орқали пуркаш йўли билан қўшилди. Тадқиқотлар реакцион аралашманинг маълум даражада намланиши крахмалнинг карбоксиметилланиш реакциясининг тезлиги ортишига ҳамда қўлланилган усулнинг юқори самарага эга эканлигини кўрсатиб берди. Натижада ҳосил бўлган маҳсулот юмшоқ кукунсимон модда ҳолатида бўлиб, у оддий шароитда шароитда 2-3 соат давомида намлигини тўлиқ 5 %гача йўқотади. Ҳароратни 50 °Сгача қўтариш орқали куриш жараёнини 15-20 минутгача камайтириш мумкин. Тадқиқотларда реакцион аралашмани намлаш учун фойдаланилган эритувчилар табиатининг ҳам реакция натижасида ҳосил бўлаётган Na-КМКнинг АДга катта таъсир кўрсатиши аниқланди (2 жадвал).


2-жадвал

Бошланғич реагентлар моль нисбатларининг ҳамда бошланғич аралашмани намлаш учун фойдаланилган эритувчилар турининг Na-КМКнинг АДга таъсири (Реакция давомийлиги 30 мин., ҳарорат 25 °С).

№	Реагентлар моль нисбати, АГУ:NaOH:Na-MXCK	Реакцион аралашмани намлаш учун фойдаланилган эритувчи	АД, Na-КМК
1	1:0,5:0,5	Сув	0,25
2	1:1:1	Сув	0,54
3	1:1,5:1,5	Сув	0,70
4	1:1:1	Этанол	0,38
5	1:1,5:1,5	Этанол	0,52
6	1:1:1	Этанолнинг 20 % эритмаси	0,71
7	1:1,5:1,5	Этанолнинг 20 % эритмаси	0,75
8	1:1:1	Этанолнинг 80 % эритмаси	0,77
9	1:1,5:1,5	Этанолнинг 80 % эритмаси	0,81
10	1:1:1	Изопропанол	0,74
11	1:1,5:1,5	Изопропанол	0,79
12	1:1:1	Изопропанолнинг 20 % эритмаси	0,83
13	1:1,5:1,5	Изопропанолнинг 20 % эритмаси	0,86
14	1:1:1	Изопропанолнинг 80 % эритмаси	0,89
15	1:1,5:1,5	Изопропанолнинг 80 % эритмаси	0,95

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, крахмалга нисбатан ишқор ҳамда Na-MXCK моль нисбатининг ортиб бориши билан ҳосил бўлаётган Na-KMKнинг ҳам АД қиймати ошиб бормоқда. Шунингдек, намловчи сифатида турли спиртлардан фойдаланиш реакциянинг боришига каталитик таъсир кўрсатиши аниқланди. Адабий маълумотларда бошқа полисахарид – целлюлозанинг карбоксиметиллаш реакциясида ҳам спиртларнинг бундай каталитик таъсирга эга эканлиги келтирилган.


4-расмда келтирилган диаграммада қаттиқ фазада крахмални модификациялашда реакцион аралашмани намлаш учун фойдаланилган эритувчилар турининг ҳосил бўлаётган Na-KMKнинг АДсига таъсири келтирилган.



4-расм. Бошланғич реакцион аралашмани намлаш учун фойдаланилган турли эритувчиларнинг ҳосил бўлган Na-KMKнинг алмашиниш даража-сига таъсири.


Тадқиқотлар натижасида қаттиқ фазада крахмални карбоксиметиллаш усули билан олинган Na-KMKнинг АДси сувли эритмада олинган Na-KMKнинг АДсига нисбатан пастроқ қийматга эга бўлиши аниқланди. Шу билан бирга қаттиқ фазада Na-KMK олишда эритувчи микдори 25-30 баробар камроқ сарфланади. Бу олинган маҳсулотни қуриштириш учун вақт ва энергия сарфининг бир неча баробар камайишига ҳам олиб келади.

Тадқиқотларда Na-KMK сувли эритмаларига турли икки ва уч валентли металл тузлари қўшилганда уларнинг чин эритмаларида ивиқланиш ҳодисаси юз бериши кузатилди. Ушбу ивиқлардан маълум шароитларда пленкалар олиш мумкинлиги аниқланиб, бу Na-KMK асосида табиий шароитларда безарар моддаларга парчаланувчи биопарчаланувчи пленкалар олиш имконини беради. Шунинг учун ҳам ишда Na-KMKнинг сувли эритмаларига турли металл тузларини таъсир қилиш орқали пленкалар ҳосил бўлиш жараёни тадқиқ қилинди. Кўп валентли металл ионлари сувли эритмаларда Na-KMK макромолекулаларидаги функционал гуруҳлар билан ўзаро реакцияга киришиб, макромолекулалараро чоклар ҳосил қилиш реакциясини куйидаги схема бўйича тасвирлаш мумкин:



5-расм. Na-КМК макромолекулаларининг металл ионлари иштирокида чокланиш механизми.


Келтирилган реакция натижасида ҳосил бўлган ивиқларни маълум шароитларда қуритиш натижасида пленкасимон материаллар ҳосил бўлади.




6-расм. Na-КМК эритмасига $ZnSO_4$ эритмаси қўшиш орқали олинган полимер плёнкасининг ташқи кўриниши. А) 0,025 М $ZnSO_4$ қўшиш орқали олинган плёнка; Б) 0,05 М $ZnSO_4$ қўшиш орқали олинган плёнка.

Олинган плёнкалар сувли эритмаларда эримайди, фақат маълум даражада бўкиши аниқланди. Na-КМК эритмаларидан пленкалар олиш учун икки валентли металл тузлари сифатида $CaCl_2$, $MgCl_2$, $BaCl_2$, $Ba(NO_3)_2$, $ZnSO_4$, уч валентли металл тузлари сифатида $FeCl_3$, $Al(NO_3)_3$ фойдаланилди. Полимерларнинг эритмаларига қўшилаётган металл тузлари концентрацияси қанчалик катта бўлса ивиқланиш шунчалик тез бориши ҳамда ҳосил бўлаётган пленкаларнинг бўкиш даражаси кичик бўлиши аниқланди. Бундай пленкалардан келгусида турли биопарчаланувчи гидрогеллар олиш ҳамда доривор моддаларни ташишда фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг “**Карбоксиметилкрахмални натрийли тузини сирт юзаси ва структуравий морфологияси ҳамда термик анализи**” номли тўртинчи бобида қаттиқ фазада синтез қилинган Na-КМК намуналарининг морфологик ва термик анализлари натижаларининг таҳлиллари келтирилган.



7-расм. Сувли эритмада олинган Na-КМК намунасининг турли масштабдаги СЭМ микрофотосуратлари.




8-расм. Спирт эритмаси иштирокида қаттиқ фазада олинган Na-КМК намунасининг турли масштабдаги СЭМ микрофотосуратлари.

7 ва 8-расмларда келтирилган микрофотосуратлардан кўришиб турибдики, сувли эритмада ва қаттиқ фазада олинган Na-КМК намуналарининг тузилиши бир-биридан катта фарқ қилади. Сувли эритмада олинган маҳсулотнинг ғоваклари қаттиқ фазада олинган маҳсулотникига нисбатан кам эканлиги яққол кўришиб турибди. Na-КМК намуналаридаги ушбу фарқ уларнинг сувда эрувчанлигига ҳам таъсири қилади, яъни қаттиқ фазада олинган Na-КМК намунаси АДдан фарқли равишда сувли эритмада олинган маҳсулотга нисбатан тезроқ ва осонроқ эрийди. Бунинг сабабини қаттиқ фазада спирт эритмаси билан намланган аралашма реакцияси натижасида ҳосил бўлган Na-КМКнинг микроғоваклари кўп бўлгани учун ҳам унинг ички қисмига эритувчининг кириши осонлиги билан тушунтириш мумкин.

Маълумки, крахмал донларида кристалл ва аморф ҳудудлар мавжуд бўлиб, кристалл ҳудудларга эритувчи молекулалари кириб бориши жуда қийин бўлганлиги учун ҳам у оддий шароитда сувда эримайди.


Карбоксиметиллаш жараёни крахмалнинг фазавий тузилишига қандай таъсир кўрсатишини аниқлаш мақсадида унинг ва Na-КМК намуналарнинг рентгенофаза анализи амалга оширилди (9-расм).



9-расм. Крахмал ва турли АДга эга бўлган Na-КМК намуналарининг дифрактограммалари

9-расмдан кўришиб турибдики, жўхори крахмали дифрактограммасида 18-27° оралиғидаги соҳаларда аниқ чўққилар мавжудлиги унинг таркибида маълум даражада кристалл ҳудудлар борлигидан далолат беради. Na-КМК дифрактограммасида ушбу соҳадаги чўққилар йўқолган, бу эса крахмалдан

модификациялаш жараёнида унинг таркибидаги кристалл ҳудудларнинг парчаланишидан дарак беради. Бу Na-КМКни крахмалдан фарқли равишда тўлиқ аморф полимер деб қараш мумкинлигини кўрсатади.




10-расм. Жўхори крахмали (а) ва (б) қаттик фазада изопропанол билан реакцион аралашмани намлаш ёрдамида олинган Na-КМК намуналарининг ДТА ва ТГА анализ эгри чизиқлари.

Моддаларнинг структураси ҳамда термик хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар уларнинг хоссаларини тадқиқ қилишда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳисобга олган ҳолда ишда Na-КМК намуналарини дериватограф ёрдамида термогравиметрик (ТГА) ва дифференциал термик анализи (ДТА)

амалга оширилди. 10-расмда каттиқ фазада изопропанол иштирокида олинган Na-КМК намуналари ва крахмалнинг ДТА ва ТГА анализ деривотограммалари келтирилган. Олинган натижалардан кўриниб турибдики, Na-КМК крахмалдан кўра пастроқ ҳароратда парчалана бошлайди. Шу билан биргаликда крахмалда боғланган сувнинг миқдори кўпроқ эканлигини ҳам кузатиш мумкин. Крахмалнинг максимал парчаланиш тезлиги 16 %/минутни ташкил қилса Na-КМК намунасининг парчаланиш тезлиги 13 %/минни ташкил қилади. Намуналарни 600 °С ҳароратгача қиздириш натижасида Na-КМК намунасида учувчи моддалар ҳосил қилган қолдиқ миқдори 32 % атрофида эканлиги, крахмал учун эса бу кўрсаткич 9,9 %ни ташкил қилиши аниқланди. Буни Na-КМК парчаланиши натижасида нисбатан ҳароратга барқарор натрий тутган тузлар ҳосил бўлиши билан изоҳлаш мумкин.

Диссертациянинг **“Карбоксиметилкрахмалнинг натрийли тузини сувли эритмаларининг физик-кимёвий хоссалари”** номли бешинчи бобида каттиқ фазада синтез қилинган Na-КМК намуналарининг суюлтирилган ва юқори концентрацияли сувли эритмаларининг гидродинамик ва реологик хоссалари ўрганилган.

Крахмални модификация қилишнинг асосий мақсадларидан бири унинг сувда эрувчан ва бўқувчан ҳосилаларини олиш ҳисобланади, чунки улардан турли эритмалар, суспензиялар ва эмульсиялар тайёрлашда кенг фойдаланилади. Шу сабабли ҳам ишда каттиқ фазада олинган Na-КМКнинг суюлтирилган ва концентрланган сувли эритмаларининг гидродинамик хоссалари тадқиқ қилинди. Суюлтирилган эритмаларнинг гидродинамик хоссалари вискозиметрик усулда, 10 %ли концентрланган эритмалари эса ротацион вискозиметрия усули билан тадқиқ қилинди.




11-расм. Na-КМК сувли эритмаларининг келтирилган қовушқоқлиги уларнинг АД қийматига боғлиқлиги.


Вискозиметрия усули билан Na-КМК эритмаларининг келтирилган қовушқоқлигини эритма концентрациясига боғлиқлиги ўрганилганда намуналарининг АДдан қатъий назар эритма концентрацияси камайиши билан уларнинг келтирилган қовушқоқлиги ошиб бориши, яъни эритмаларнинг полиэлектродитларга хос хоссага эга эканлиги аниқланди. Шу билан биргаликда Na-КМК эритмасининг келтирилган қовушқоқлигини унинг АДсига боғлиқлиги максимум орқали ўтиши ҳам аниқланди (11-расм).

11-расмдан кўриниб турибдики, Na-КМК намуналарининг $AD=0,70$ гача ортиб бориши билан уларнинг келтирилган қовушқоқлиги секин-аста ортиб боради, лекин AD нинг келтирилган қийматдан кўпайиши билан уларнинг қовушқоқлиги бирдан камайиши кузатилди. Бу аввал Na-КМК макромолекулаларининг электростатик итарилиш кучларининг ҳисобига ёйилиши, сўнгра эса макромолекулаларнинг ҳажми кичрайишидан дарак беради. Макромолекула ҳажмининг камайишини полимернинг AD маълум қийматга етганидан кейин унинг макромолекуласида структуравий ўзгаришлар содир бўлиши ва натижада унинг букилувчанлигининг ортишига олиб келади деган фараз билан тушунтириш мумкин. Тадқиқотлар полимер эритмасининг келтирилган қовушқоқлиги ҳароратининг ортиши билан камайиб боришини ҳам кўрсатди. Бу ҳолатни ҳарорат кўтарилиши билан полимер макромолекулларининг букилувчанлигининг ортиши билан изоҳлаш мумкин. Na-КМКнинг сувли эритмаларда келтирилган қовушқоқлигини эритманинг pH кўрсаткичига боғлиқлигини ўрганиш натижаси қовушқоқликнинг эритма pH кўрсаткичи 10 гача ортиб бориши, сўнгра эса кескин камайишини кўрсатди. Полимернинг тузли эритмаларида эса эритманинг келтирилган қовушқоқлигининг юқори pH қийматларида камайиб кетиши кузатилмайди.

Полимерлар тизимлари реологияси, яъни суюқ фазали тизимларнинг оқиш жараёнлари молекуляр занжирларнинг ўзаро тартибланиши ва таъсирланиши асосида амалга ошади. Ушбу таъсирларни ўрганиш учун ишда Na-КМК 10 % сувли эритмаларининг реологик хоссалари ҳам тадқиқ қилинди. Натижада полимернинг сувли эритмаларининг турли ҳароратларда тезлик градиенти ($\dot{\gamma}$) ўзгаришига мос равишда аниқланган силжиш кучланиши (σ) ва самарали қовушқоқлик (η_c) қийматлари аниқланди.



12-расм. Алмашиниш даражаси 0,70 га тенг бўлган Na-КМК сувли эритмасининг самарали қовушқоқлиги қийматининг силжишли оқим тезлигига боғлиқлик графиклари.
1-25 °C, 2-40 °C, 3-55° C.



13-расм. Алмашиниш даражаси 0,70 га тенг бўлган Na-КМК сувли эритмасининг динамик қовушқоқлигининг силжишли оқим тезлигига боғлиқлик графиклари.
1-25 °C, 2-40 °C, 3-55 °C.

12-расмдан Na-КМКнинг 10 % сувли эритмасининг $lg\eta-\dot{\gamma}$ боғлиқлик графигидан ноньютон суюқликлар учун хос кўринишга эга эканлиги кўриниб

турибди. Шунингдек, ҳарорат ортиши билан эритманинг самарали қовушқоқлиги ҳам камайишини кузатиш мумкин.

Ушбу ҳолатда эритманинг динамик қовушқоқлиги $lg\eta$ - γ боғлиқликдан тезлик градиенти миқдори нолга интилганда $\gamma \rightarrow 0$ самарали қовушқоқликка тенг бўлади ($\eta_c \approx \eta$). Шунинг учун ҳам полимер эритмалари учун γ кичик қийматларидаги $lg\eta$ - γ боғлиқлигининг графиклари тузилиб ундаги эгрилар ноль нуқтагача экстрополяция қилинди ва улар асосида полимер эритмасининг динамик қовушқоқликлари аниқланди (13-расм). Ушбу усул билан турли АДсига эга Na-КМК намуналарининг сувли эритмаларининг динамик қовушқоқликлари ҳисоблаб топилди. Натижада Na-КМК намунасининг АДси ортиши билан улар эритмаларининг динамик қовушқоқлик қийматлари камайиб бориши аниқланди. Ҳарорат ортиши Na-КМК эритмасининг динамик қовушқоқлигининг камайишига олиб келиши ҳам исботланди. Олинган натижалар Na-КМК намуналарининг АДси ҳамда эритма ҳароратининг ортиши полимер макромолекулаларининг букилувчанлигининг ошишига олиб келишини кўрсатади.

ХУЛОСАЛАР

1. Илк бор маҳаллий жўхори навларидан ажратиб олинган крахмални сувли эритмада ва қаттиқ фазада карбоксиметиллаш орқали карбоксиметилкрахмалнинг натрийли тузини олиш усуллари таклиф қилинди.

2. Қаттиқ фазада карбоксиметилкрахмалнинг натрийли тузини олиш жараёнига турли омиллар таъсири ўрганилиб, жараённинг мақбул шароитлари аниқланди. Натижада турли алмашилиш даражасига эга маҳсулот олишнинг ресурстежамкор усули таклиф қилинди.

3. Крахмал ва олинган карбоксиметилкрахмалнинг натрийли тузининг морфолок ҳамда термик хоссалари тадқиқ қилинди. Натижада карбоксиметилкрахмалнинг натрийли тузининг структураси, термик хусусиятлари ҳамда эрувчанлиги крахмални модификация қилиш усулига боғлиқ эканлиги кўрсатиб берилди.

4. Карбоксиметилкрахмалнинг натрийли тузининг сувли эритмалари қовушқоқлиги тадқиқ қилинди. Унинг сувли эритмалари полиэлектролитларга ҳамда ноньютон суюқликларига хос хусусиятларни намоён қилиши кўрсатиб берилди.

5. Карбоксиметилкрахмалнинг натрийли тузи сувли эритмаларини турли металл ионлари билан комплекс ҳосил қилиши натижасида ивиқлар ҳосил бўлиши ва улардан полимер пленкалар олиш мумкинлиги аниқланди. Ушбу пленкалардан турли соҳаларда биопарчаланувчи материаллар сифатида фойдаланиш таклиф қилинди.

6. Ишда олинган карбоксиметилкрахмалнинг натрийли тузидан бурғулаш эритмаларини тайёрлаш ҳамда кимёвий химоя қилиш воситаларининг суспензия концентратини тайёрлашда стабилизатор сифатида қўллаш тавсия қилинди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ УЧЕНОГО СОВЕТА DSc.
03/30.12.2019.К.01.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

САПАРОВ САНЖАРБЕК ЮСУПБОВИЧ

**СИНТЕЗ НАТРИЕВОЙ СОЛИ КАРБОКСИМЕТИЛКРАХМАЛА В
ТВЕРДОЙ ФАЗЕ И ЕГО ФИЗИКО-ХИМИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА**

**02. 00. 06 – Высокмолекулярные соединения
02. 00. 04 – Физическая химия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тошкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2021.1.PhD/K365.

Диссертация выполнена в Ташкент химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.cspi.uz.ilmiy-kengash) Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz)

Научный руководитель: **Махкамов Музаффар Абдуғаппорович**
доктор химических наук, доцент

Сидиков Абдужалол Сидикович
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты **Исмоилов Равшан Исроилович**
доктор химических наук, профессор

Катгаев Нуритдин Тураевич
доктор химических наук, доцент

Ведущая организация: Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности

Защита диссертации состоится « 22 » январь 2022 г. в 10⁰⁰ часов на заседании разового Научного совета на основе Научного совета DSc.27.06.2017.K.01.03 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г.Ташкент, ул. Университетская, 4.Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99824) 246-53-21; 246-02-24, e-mail: chem0102@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирован за № 3). Адрес:100174, г.Ташкент, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 246-07-88, 277-12-24; факс: (+99871) 246-53-21; 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz.

Автореферат диссертации разослан « 07 » январь 2022 года.
(протокол рассылки № 1 от « 07 » январь 2022 года).



З.А. Сманова

Председатель разового научного совета по присуждению учёных степеней д.х.н., профессор

Д.А. Гафурова

Ученый секретарь разового научного совета по присуждению учёных степеней, д.х.н. доцент

М.Г. Мухамедиев

Председатель разового научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире большое внимание уделяется производству продуктов для народного хозяйства, промышленности, потребления и других отраслей на основе природных полимеров, поскольку они являются малотоксичными для здоровья человека и окружающей среды, так как они со временем распадаются на безвредные вещества в естественных условиях. Крахмал является одним из крупнейших, многотоннажных природных полимеров, получаемого из сырья, запасы которого ежегодно возобновляются. В настоящий день крахмал и его производные широко используются в таких областях как в производство бумаги и картона, приготовление нефтегазовых буровых растворов, медицина, фармацевтика, пищевая и текстильная промышленности, полиграфия.

На сегодняшний день в мире большое внимание уделяется получению биоразлагаемых материалов на основе природных полимеров. Наличие реакционноспособных функциональных групп в структуре крахмала создает широкие возможности для его химической модификации и получения на его основе новых материалов. Поэтому большое внимание уделяется получению термопластических материалов на основе крахмала, синтезу его простых, сложных эфиров и привитых сополимеров, получению нетоксичных и биоразлагающих материалов, разработке ресурсосберегающих технологий производства данных материалов, а также их широкому практическому применению.

Наша страна богата растительным сырьем, из которого можно выделить крахмал, но, несмотря на это, его наиболее широко используемое водорастворимое производное - натриевая соль карбоксиметилкрахмала импортируется из за границы. В нашей республике особое внимание уделяется созданию новых полимерных материалов на основе местного сырья и внедрению их в практику замещения импортной продукции. Достигнуты определенные успехи в создании на основе полимеров стабилизаторов, загустителей и эмульгаторов для различных растворов, гидрогелей, пленок и других материалов. В Стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан намечены задачи по «производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов, освоению выпуска принципиально новых видов продукции и технологий, обеспечению на этой основе конкурентоспособности отечественных товаров на внешних и внутренних рынках»¹. В связи с этим большое значение имеют выделение природных полимеров из местного сырья, синтез различных их производных, исследование их свойств, определение областей использования и применения их в различных областях.

¹Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Данная диссертационная работа послужит в значительной степени обеспечению задач, изложенных в нормативно-правовых актах, связанных с этой деятельностью, а также реализации задач в представленных Указах Президента Республики Узбекистан от 10 апреля 2019 г. № УП-5707 «О дальнейших мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли в республике в 2019-2021 гг.», 12 августа 2020 года, ПП-4805 «О мерах по повышению качества и эффективности непрерывного образования в областях химии и биологии» и ПП-4884 «О дополнительных мерах по совершенствованию системы образования» от 6 ноября 2020 года.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологии Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики: VII. Химические технологии и нанотехнологии.

